

# Фиқҳий ихтилофлар



14:47 / 24 январь 735

Ихтилоф илмида ички ва ташқи ихтилофлар мавжуд экан, бу фиқҳнинг мослашувчанлигини, ҳар қандай замон ва маконнинг талабига жавоб беради олишини, универсаллигини таъминлайди. Лекин бугунги кунда «Ягона фикр бўлиши керак, ихтилофни буткул йўқотиш керак!» деган фикр натижасида сиз бошқаларни тўғри қабул қила олмай қоласиз. Ким сизга бирор фиқҳий масалада хилоф қилса, у билан хайриҳоҳ бўлиб яшай олмайсиз, чунки нариги томоннинг сўзини умуман қабул қилмайсиз. Масалан, у сизга намозда қўлларни кўтариш бўйича, тасбеҳ ишлатиш бўйича, тавассул бўйича хилоф қилади. Буларнинг барчаси фиқҳий ихтилофлар, холос. Бу ҳолатда нари борса унинг сўзи хато бўлади. Хато ёки тўғрилигини эса Аллоҳнинг Ўзигина билади. Юқоридаги фикрни айтиётганларнинг гапига кўра, уларга мухолиф бўлган одамнинг сўзи залолат бўлади, чунки уларнинг наздида ҳақ, яъни тўғри йўл битта бўлади, яъни бу дунёning ўзида ҳақ битта бўлади. Биз ҳам Аҳли сунна сифатида «Аллоҳнинг наздидаги ҳақ битта бўлади, лекин дунёда ҳақ бир нечта бўлиши мумкин», деймиз. Мана шундай деб ҳисобламагани учун улар бошқаларнинг фикрини қабул қилмайди. Бу эса қаттиққўлликка, оғирликка олиб боради, гоҳида такфирга ҳам етаклайди. Натижада мусулмонлар орасида бир-бирини такfir қилиш (кофирга чиқариш) кенг ёйилади. Бунинг сабаби нима экан? Бошқанинг фикрини, ҳеч қандай ихтилофни қабул қилмаслик, биз юқорида айтиб ўтган жиҳатларга эътибор бермасликдир.

Бу фикънинг универсаллиги ҳақидаги гаплар эди. Кўриб турганингиздек, бу универсаллик мазҳаблар ўртасидаги ихтилофлар сабабли юзага келди. Ҳозирги кунда фикъда фақат ягона фикр бўлиши керак, деб даъво қилиб, ихтилофни тўғри қабул қилмаётганлар ўз қилмишлари натижасида кўпчилик инсонларни ҳақдан адашганга ва ҳатто кофирга чиқаришмоқда. Бу уларнинг фикъга ўта оғир ёндашиб, ортиқча ташаддуд, яъни қаттиққўллик қилганининг оқибатидир.

**«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хulosаси асосида тайёрланган.